

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КУРАНБАЕВА САТИМА РАЗЗАКОВНА

**ОИВ ИНФЕКЦИЯСИДА ЭРТА КУЗАТИЛУВЧИ НЕВРОЛОГИК
СИНДРОМЛАР, ПАТОГЕНЕЗИ ВА ТАШХИСОТИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Куранбаева Сатима Раззаковна

ОИВ инфекциясида эрта кузатилувчи неврологик синдромлар,
патогенези ва ташхисоти 3

Куранбаева Сатима Раззаковна

Ранние неврологические синдромы при ВИЧ инфекции, основы
патогенеза и диагностики 31

Kuranbaeva Satima Razzakovna

Early neurological syndromes in HIV infection, basics of
pathogenesis and diagnosis 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 61

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КУРАНБАЕВА САТИМА РАЗЗАКОВНА

**ОИВ ИНФЕКЦИЯСИДА ЭРТА КУЗАТИЛУВЧИ НЕВРОЛОГИК
СИНДРОМЛАР, ПАТОГЕНЕЗИ ВА ТАШХИСОТИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Tib230 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Раҳимбаева Гулнора Саттаровна,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Гафуров Бахтияр Гафурович,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Касимов Илхам Асамович,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Туреспекова Сауле Глеубергеновна,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «8» XI соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел./факс: (+998) 71-268-17-44; e-mail: info@tipme.uz)


Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (100 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел./факс: (+998) 71-268-17-44.

Диссертация автореферати 2021 йил «8» XI куни тарқатилди.
(2021 йил «8» XI даги 8 рақамли реестр баённомаси).




Х.А.Акилов,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Убайдуллаева,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент


Б.Г.Гафуров,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. ОИВ, яъни одам иммунтанқислик вируси нафақат иммун тизимини, балки нерв тизимини ҳам шикастлайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...ОИВ инфекциясида нерв тизимининг зарарланиши 40%, неврологик асоратлар эса патоморфологик текширувларда 90–100% беморларда кузатилган»¹. Бугунги кунда жаҳонда ОИВ билан инфекцияланган беморлар сони тобора ортиб бормоқда, жумладан, республикамизда 2020 йил ҳолатига кўра 43606 нафар шахс ОИВ инфекцияси билан яшамоқда. ОИВ инфекцияси, унинг кўп учраши, тез тарқалиши, вируснинг ўзгарувчанлиги, инфекция манбаининг узок вақт фаол бўлиши, иммун ва асаб тизимига жиддий таъсири, даволашнинг қимматлиги, вирусга қарши дори қабул қилганда ҳам касаллик ўлимга олиб келиши ва ногиронлик ҳолатларини камайтириш муҳим тиббий-ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ОИВ инфекцияси билан оғриган беморларда эрта кузатиловчи неврологик синдромларни аниқлаш, уларнинг кечиши, патогенезини тадқиқ қилиш, уларни прогнозлаш, ташхислаш ва индивидуал даволашнинг замонавий ёндашувига қаратилган кенг кўламдаги илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ОИВ инфекцияси билан оғриган беморларда неврологик синдромларни эрта аниқлаш, уларнинг авж олиш омилларини аниқлаш, нейрнопсихологик генез механизмларини ишлаб чиқиш, замонавий даволаш ҳамда ижтимоий самарадорлигини аниқлаш ва оптималлаштириш мақсадида бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. ОИВ инфекцияси билан оғриган беморларда неврологик синдромларни эрта аниқлаш, янгича ташхислаш усуллари ва мезонларини, когнитив бузилишлар ривожланиши ва прогнозини ишлаб чиқиш, шунингдек, профилактик-фармакологик таъсир имкониятларини баҳолаш ўзига хос аҳамият касб этади.

Республикамизда соғлиқни сақлаш тизимини яхшилашга қаратилган кенг қамровли тадбирлар негизида инсон саломатлигига эътибор бериш, аҳолига сифатли тиббий хизматни ташкил этиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «..аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, соғлом турмуш тарзини, касалликларнинг олдини олишни қўллаб-қувватлаш, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик моделларини яратиш...»²каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш, неврологик бузилишлар ривожланиши, кечиши, патогенезини ўрганиш ҳамда уларни прогнозлаш, ОИВ инфекциясида неврологик симптомларни эрта аниқлаш, махсус терапия бошлангунга қадар кузатиладиган когнитив бузилишлар келиб чиқишининг олдини олиш, касалликни самарали даволашга эришиш имконини беради.

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ОИТС бўйича дастури (ЮНЕЙДС), 2020 й.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сонли «Шошилич тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи³. ОИВ инфекциясида неврологик бузилишларнинг клиник-нейрофизиологик ва нейроиммунологик ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва даволашни оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, жумладан, University of Colorado, University of Rochester Medical Center, University of California, University of Harvard (АҚШ), University Department of Clinical Neurology, John Radcliffe Hospital, Oxford Institute of Neuroscience, Newcastle University (Буюк Британия), University of Edinburgh (Англия), University of Pavia (Италия), University of Murcia (Испания), University of East Anglia, Norwich (Буюк Британия), Punjab Agricultural University (Ҳиндистон), University Chang Gung (Тайвань), Peking University (Хитой), Laboratory of Digital and Display Holography, ИТМО University, Baikal Institute of Nature Management Siberian branch of the Russian Academy of Sciences (Россия Федерацияси), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилган.

ОИВ инфекциясида неврологик бузилишларнинг клиник-нейрофизиологик ва нейроиммунологик ўзига хослиги ҳамда уларни даволашни оптималлаштириш йўллари ўрганилиб, қуйидаги натижалар олинган: ОИВ инфекциясида асосий неврологик кўринишлар оппортунистик инфекцион касалликлар (токсоплазмозли энцефалит, криптококкли менингит, кучайиб борувчи майда ўчоқли лейкоэнцефалопатия, цитомегаловирусли энцефалит ва бошқ.), ўсмалар (бош миянинг бирламчи лимфомаси, Капоши саркомаси ва бошқ.), ОИВ инфекция этиологияли асептик менингит ва энцефалит, нерв-мушак патологиялари (периферик нейропатия, миопатия), цереброваскуляр бузилишлар билан боғлиқлиги аниқланган (University Department of Clinical

³ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: www.uottawa.ca; www.ucalgary.ca; www.univ-nantes.fr; www.ufsc.br; www.uq.edu.au; www.fimmu.com; www.en.csu.edu.cn; www.cu.edu.eg; www.exeter.ac.uk; www.ncl.ac.uk; www.uottawa.ca; www.cgu.edu.tw; www.kcl.ac.uk; www.monash.edu; www.rushu.rush.edu; www.ion.uoregon.edu; www.cuhk.edu.hk; www.clneuro.ox.ac.uk; www.klinikum.uni-muenchen.de; www.iem.cas.cz; www.ucalgary.ca; www.unab.cl; www.ukbb.ch; www.unimelb.edu.au; www.nich.edu.pk; www.med.emory.edu; www.uni-tuebingen.de; www.alexu.edu.eg; www.ru.uj.edu.pl; www.kagawa-u.ac.jp; www.chuvsu.ru; www.sechenov.ru; www.liu.se; www.w3.sdu.edu.tr; www.umich.edu; sarah.pendlebury@clneuro.ox.ac.uk ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Neurology, John Radcliffe Hospital, Oxford (Буюк Британия)); ОИВ инфекциясини эрта аниқлаш ва антиретровирусли терапия (АРВТ)ни ўз вақтида тайинлаш даволаш самарадорлигини ошириши асосланган (DIFRID University of East Anglia, Norwich (Буюк Британия); University Monash, Clayton, VIC (Австралия); Peking University (Хитой)); ОИВ инфекцияси патогенезида вируснинг асосий патоген хоссалари ва нерв тизими шикастланишида иммун тизимининг унга қарши туриш қобилияти билан бир қаторда, кейинчалик, патогенетик занжирнинг у ёки бу бўғинлари ривожланишини юзага келтирувчи кўпгина омиллар иштирок этиши аниқланган (Chang Gung University (Тайван); 45% беморларда неврологик симптомлар ОИВ инфекциясининг бошланғич кўринишлари сифатида олдинга чиқиши исботланган (University Monash, Clayton, VIC (Австралия); Peking University (Хитой)); ОИВ томонидан чақирилган когнитив бузилишлар гематоэнцефалик тўсиқ шикастланиши билан чақирилган нейронлар атрофияси билан боғлиқ асоратларга асосланган (Institute of Neuroscience, Newcastle University (Буюк Британия)); ОИВ инфекцияли беморларда неврологик синдромларни даволашни оптималлаштириш тизими асосланган (Тошкент тиббиёт академияси).

Бугунги кунда дунё миқёсида ОИВ инфекциясида неврологик синдромларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш, касаллик ривожланиши натижасида юзага келадиган неврологик синдромларни эрта аниқлаш механизмларини илмий асослаш, патогенетик нуқтаи назардан даволаш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш механизмларини ўрганишга қаратилган замонавий ташхис усулларини ишлаб чиқиш кабилар шулар жумласидандир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий тадқиқот маълумотлари натижаларига кўра, 1999 йилдан 2003 йилгача жаҳонда ОИВ/ОИТС билан яшайдиган инсонлар сони 34 миллионни ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунга келиб ОИВ инфекциясидан азият чекаётганлар сони 40 миллиондан ошди. ОИВ инфекциясида неврологик шикастланишлар камида 70% беморда кузатилади, улар орасида 10% бемор оғир неврологик симптоматикага эга. Баъзида неврологик асоратлар касалликнинг энг биринчи клиник кўриниши ҳолатида кузатилиши, вирус ГЭТдан ўта олиши ва нейронга таъсир этиши мумкин. ОИВ инфекциясини эрта аниқлаш ва антиретровирусли терапия (АРВТ)ни ўз вақтида тайинлаш нафақат даволаш самарадорлигини оширади, балки бемор ҳаётининг давомийлигини узайтириши ва сифатини яхшилаши аниқланган (Bhaskaran K., et al., 2008; Karogiannis B., 2008). Антиретровирусли терапиянинг жорий этилиши МАТ оппортунистик инфекциялари ҳолатини пасайтириши аниқланган (d'Arminio Monforte et al, 2004; Ik Lin Tan et al, 2016; Kiran T.Thakur et al, 2018). Кўпгина даврларда МАТнинг тузилмавий шикастланишлари баҳоланган (А.Б.Перегудовка ва бошқ., 2013; Fritzie Albarillo and Paul O'Keefe, 2016; А.С.Шелемов ва бошқ., 2016).

Ҳозирги вақтда АРВТ натижасида ОИВ инфекцияси ва иккиламчи инфекцияларнинг клиник манзараси жиддий ўзгариши мумкинлиги аниқланмоқда. Шунинг учун ташхислашнинг янги тамойиллари, даволаш ва реабилитациянинг оптимал схемалари ишлаб чиқилган (Е.Е. Воронин ва ҳаммуал., 2006; Р.С. Нарсия 2006). Мамлакатимизда одам иммунитет тан-

кислиги вируси билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш борасида қатор олимлар илмий ишлар олиб борган, ОИВ инфекцияли беморларда антиретровирусли терапия самарадорлигининг клиник-патогенетик жиҳатлари оптималлаштирилган (Э.И.Мусабаев, 2016). Ўзбекистон Республикасида биринчи бор перинатал инфекция билан зарарланишда болаларда ОИВ-инфекциянинг мажмуали клиник, иммунологик ва вирусологик тавсифи аниқланган (Г.К. Худайкулова, 2017). ОИВ билан зарарланган беморларда марказий асаб тизимининг шикастланиши цитомегаловирусли, криптококкли, токсоплазмозли ва герпетик этиологияли омиллар билан боғлиқлиги асосланган (Р.И. Касимова, 2020).

Жаҳонда ОИВ инфекцияси билан оғриган беморларда эрта кузатилувчи неврологик синдромларни аниқлаш имконини берувчи нейропсихологик, неровизуализацион ва нейробиокимёвий текширувларнинг комплекс усуллари такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: ОИВ инфекцияси билан оғриган беморларни кузатаётган неврологларнинг асосий вазифаси – нерв тизими шикастланиши симптомларини эрта аниқлаш, АРВТнинг марказий ва периферик нерв тизимига таъсирини ўрганиш, оптимал реабилитация тадбирларини ишлаб чиқиш, ОИВ инфекциясида эрта кузатилувчи неврологик синдромларни аниқлаш, патогенези ва даво чораларини оптималлаштириш кабилар шулар жумласидандир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ 01.11.00158 рақамли «Мигреннинг асоратли формалари, МНС ОИВ инфекцияси, ўткир ва сурункали цереброваскуляр касалликлар, деменциянинг клиник-неврологик, нейроиммунологик, генетик, патобиокимёвий, неровизуалогик хусусиятларини ўрганиш» (2015–2020 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ОИВ инфекцияси билан оғриган беморларда эрта кузатилувчи неврологик синдромларни аниқлаш ва нейровизуализацион, нейроиммунологик бузилишларнинг касаллик патогенезидаги аҳамиятини асослаш, олинган маълумотлар негизида комплекс терапияга патогенетик асосланган даволаш тамойилларини татбиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ОИВ билан инфекцияланган беморларда эрта кузатилувчи клиник-неврологик симптомлар ва иммунреактивликни аниқлаш;

ОИВ инфекциясида когнитив функциялар ҳолатини махсус нейропсихологик тестлар орқали ўрганиш;

ОИВ инфекциясининг эрта босқичларида нейровизуализацион маълумотларга асосланиб, морфологик-структур ўзгаришлар ҳолатини мониторинг қилишнинг клиник-прогностик афзаллигини аниқлаш;

ОИВ инфекциясида доплерографик текширувга асосланиб, церебрал гемодинамик ўзгаришларни аниқлаш;

ОИВ инфекциясида нейротроп оқсиллар S100, MAO, NF200, GFAP, антигенига нисбатан аутоантитаначаларнинг миқдорини ўрганиш ва нерв тизими шикастланиши патогенезининг асосий механизмларини ишлаб чиқиш;

ОИВ инфекциясида эрта кузатиловчи неврологик синдромларни даволаш мезонларини оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017–2019 йиллар мобайнида Республика ОИТСга қарши курашиш марказининг махсус клиникасида даволанган 194 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предметини веноз қон зардоби, нейровизуализацион ва доплерографик текширувлар натижалари ташкил қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-неврологик, нейровизуализацион, доплерографик, лаборатор, нейропсихологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ОИВ инфекциясида клиник-неврологик симптомлар ва нейроспецифик оқсиллар антигенига нисбатан аутоантитаначалар даражаси орасида ўзаро узвий корреляцион боғлиқлик аниқланган;

ОИВ инфекцияли беморларда неврологик синдромларнинг кучайиб бориши ва узоқ сақланиши нейроспецифик оқсиллар S100, MAO, NF200, GFAP, антигенига нисбатан аутоантитаначалар миқдорининг ошиши билан боғлиқлиги аниқланган;

ОИВ инфекциясининг эрта даврида морфологик-структур ўзгаришларни мониторинг қилишнинг клиник-прогностик афзаллиги баҳоланган;

ОИВ инфекциясида церебрал гемодинамика бузилиши, бош миёна қон томирлари реактивлиги ҳамда CD4-лимфоцитларнинг пасайиши ОИВ-энцефалопатия шаклланишининг оғирлик даражасига боғлиқлиги аниқланган;

ОИВ инфекциясида нейротроп оқсиллар антигенига нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичи ва вирус юкламасининг ошиши ҳамда CD4-лимфоцитларнинг камайиши касаллик кечишининг прогностик мезонлари бўлиши аниқланган;

ОИВ инфекциясида эрта кузатиловчи неврологик синдромларни ноотроп воситаларни қўллаш орқали даволаш чора-тадбирлари оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ОИВ инфекцияси диагностикасида нейропсихологик тестлардан фойдаланиш орқали неврологик синдромларни эрта аниқлаш йўллари ишлаб чиқилган;

ОИВ инфекциясида CD4-лимфоцитлар миқдорининг пасайиши, вирус юкламасининг ошиши, нейрокогнитив функция жараёнининг бузилиши антиретровирусли терапия қайтарилишини башорат қилишда ҳал қилувчи омиллар бўлиб, дифференциал диагностика қилиш имконини берган;

ОИВ инфекциясида эрта кузатиловчи неврологик синдромларни замонавий даволашнинг терапевтик алгоритми такомиллаштирилган;

ОИВ инфекциясида эрта кузатиловчи когнитив функцияни тиклашда ноотропларни қўллаш юқори самара бериши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот услуби ва дизайни амалий жиҳатдан соғлиқни сақлаш даражасида бажарилганлиги, тадқиқотнинг ўзи мазкур ишда қўйилган мақсад ва вазифаларга мос ҳолда амалга оширилганлиги, тадқиқотда замонавий тиббий-статистик усуллардан фойдаланилганлиги, ишлаб чиқилган алгоритм когнитив ўзгаришлар кузатилган беморларда диагностик ва терапевтик ёндашувларни такомиллаштириш амалиётига самарали жорий этилганлиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулосалар ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ОИВ инфекциясида эрта кузатиловчи неврологик синдромли беморларда клиник, нейропсихологик, нейровизуализацион ва нейроиммунологик текширувларни амбулатор ёки стационар шароитда ўтказиш орқали хавф гуруҳи башорат қилинганлиги ҳамда илмий хулосалар берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ОИВ билан инфекцияланган беморларда неврологик синдромларни эрта ташхислаш ҳамда замонавий даволаш тамойилларини эрта қўллаш ОИВ инфекциясининг оғир асоратлари, ОИВ инфекциясининг эрта босқичларида кузатиловчи когнитив бузилишлар, ОИВ-энцефалопатия ва ОИТС-деменция ривожланишининг олдини олиш, ижтимоий-иқтисодий етишмовчиликларга қарши эртароқ чоралар кўриш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ОИВ инфекциясида неврологик синдромларни эрта ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ОИВ инфекциясида эрта кузатиловчи неврологик синдромларни эрта ташхислаш бўйича олинган илмий натижалар асосида «Оппортунистик инфекциялар ва иммунтанқислик ҳолатларида эрта босқичларда асосий неврологик синдромларни комплекс ташхислаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 19 августдаги 8н-д/114-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ОИВ инфекцияси билан оғриган беморларни эрта ташхислаш ва прогнозлаш технологиясини оптималлаштириш имконини берган;

оппортунистик инфекциялар ва иммунтанқисликларда неврологик синдромларни даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида «Оппортунистик инфекциялар ва иммунтанқисликларда неврологик синдромларни даволашни оптималлаштириш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 19 августдаги 8н-д/114-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома неврологик синдромлар ривожланишининг эрта босқичларида ОИВ инфекцияси билан оғриган беморларни даволаш тактикасини ишлаб чиқиш, шунингдек, неврологик синдромлар кучайиши ва беморлар эрта ногирон бўлиб қолишининг олдини олиш чораларини кўриш ҳамда замонавий даволаш усулларини яхшилаш имконини берган;

ОИВ инфекцияси билан оғриган беморларни эрта ташхислаш мезонларини қўллаш ва замонавий даволаш тамойилларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотнинг тизимли таҳлили бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Сирдарё, Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ОИТСга қарши курашиш марказларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 августдаги 08-09/10671-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари ОИВ инфекцияси билан оғриган беморларни даволаш тамойилларини такомиллаштириш, клиник синдромлар регрессияси давомийлиги ва оғирлик даражасини камайтириш, беморларнинг клиник ҳолати ҳамда ҳаёт сифатини яхшилаш, касаллик асоратларининг олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 6 та халқаро ва 6 та республика конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шулардан 6 таси республика, 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 6 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Марказий нерв тизимининг ОИВ билан ассоциацияланган шикастланишининг патогенези, диагностикаси ва уни даволашнинг замонавий кўринишлари”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилиб, дунёнинг турли мамлакатларида ОИВ инфекциясининг юқиши ва клиник кечиши, касаллик ривожланишининг хавф омиллари таҳлил қилинган, ОИВ ривожланишининг патогенетик биомеханизмлари ёритилиб ўтилган. Шунингдек, ОИВ инфекцияси билан оғриган беморларга клиник баҳо берилган, унинг эрта ташхисоти очиб берилган ҳамда унга замонавий ёндашувлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **“ОИВ инфекциясининг эрта ташхисоти ва замонавий даволаш тамойиллари”** номли иккинчи бобида текширилаётган материал ва тадқиқот усуллари кўрсатиб берилган. Тадқиқот давомида 2017 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда ОИВ инфекцияси билан оғриган 194 нафар

бемор ва ОИВ инфекцияси билан касалланмаган ҳамда неврологик бузилишлари мавжуд бўлмаган 30 нафар амалда соғлом кишилар текширувдан ўтказилган.

ОИВ инфекциясининг кучайиб бориш даражасига қараб беморлар 3 гуруҳга ажратилди:

1-гуруҳ (n = 37) – касалликнинг эрта клиник олди босқичларида бўлган, юқори фаол антиретровирус терапия (ЮФАРТ) бошлашга кўрсатмалар берилмаган, CD4-лимфоцитлар миқдори > 350 кл/мкл бўлган беморлар;

2-гуруҳ (n = 59) – оппортунистик инфекциялар ривожланишигача ОИВ инфекциясининг клиник белгилари мавжуд, ЮФАРТни бошлаш босқичидаги, CD4-лимфоцитлар миқдори < 350 кл/мкл бўлган беморлар;

3-гуруҳ (n = 98) – бош миянинг оппортунистик ва бошқа шикастланишларига эга, CD4-лимфоцитлар миқдори < 350 кл/мкл бўлган беморлар.

Психофаол моддаларни, алкогольни кўп истеъмол қиладиган, ўткир соматик, рухий ва неврологик касалликлари мавжуд, МНТнинг функционал кўрсаткичларига жиддий таъсир қилувчи воситалар билан ёндош терапия талаб қилинадиган беморлар, ҳомиладорлар тадқиқотга қўшилмади. Барча беморларда клиник-неврологик текширув усули ва когнитив функциялар ҳолатини аниқлаш мақсадида махсус баҳоловчи нейропсихологик тестлар орқали хотира, диққат, фикрлаш, гнозис ва праксис ўрганилди.

Клиник, лаборатор, радиологик, функционал ва экспериментал-психологик текширув усуллари қўлланилди (1-жадвал).

1-жадвал

Текширув усуллари

Текширув усуллари	Беморлар сони
Клиник	194
Нейропсихологик, шулардан баҳоланди:	194
хотира ҳолати	194
ихтиёрий диққат ҳолати	194
фикрлаш доирасининг ҳолати	194
хавотирлик даражаси	194
депрессия даражаси	194
Лаборатор, шулардан:	
CD4-лимфоцитлар	194
ОИВ РНК	194
Радиологик, шулардан:	
МРТ	96
ЭЭГ	176
ТДКГ	168
Нейроиммунологик текширувлар	83

Беморларни нейропсихологик текширишда Векслер хотира шкаласи, 10 та сўзни эслаб қолиш тести, Шултенинг оқ-қора жадваллари, хавотир ва депрессиянинг госпитал шкаласи (HADS), мақолаларга жумла танлаш ва ортиқча сўзни олиб ташлаш тести (вербал ва предметли вариант), «нотўлиқ кон-

турлар бўйича предметларни таниш», «мушт-панжа-қирра», «реципрок координация» тестлари, А.Р.Луриянинг нейрпсихологик методидан фойдаланилди.

176 нафар ОИВ инфекцияли беморларда «Нейрон спектр 5» аппарати (Нейрософт, Россия) ёрдамида ЭЭГ (электроэнцефалография) мия биотокларини руйхатга олиш орқали мияни текшириш орқали амалга оширилди. Нейронлар-марказий асаб тизимининг асосий элементлари – электроэнцефалограф тамонидан қайд этилган электр импульсларини ишлаб чиқариш ва ўтказиш орқали бажарилади.

MPT T1 ва T2–режимлари тасвирларни олиш билан органлар ва тўқималарни аниқ уч ўлчамли тасвирини кўрсатиб беради.

КТ бу рентген нурлари орқали юмшоқ тўқималардан ўтиш ва зич тўқималарни кўрсатиб берувчи усули орқали бажарилиб, КТ нинг радиация таъсири рентгенографияга караганда анча паст бўлади.

Иммунологик текширувлар ОИВ инфекцияси билан оғриган беморлардан олинди. Кузатувда бўлган барча беморлар, шунингдек, клиник соғлом шахслар (назорат гуруҳи, n=16) қон зардоблари намуналарида нерв тўқимасининг нейротроп оқсиллар антигенига NF200, GFAP, S100, MAO, нисбатан аутоантитаначаларнинг миқдори аниқланди.

Нейротроп оқсиллар антигенига нисбатан аутоантитаначалар миқдорини аниқлаш ЭЛИ-Н-Тест қаттиқ фазали иммунфермент таҳлили стандарт муолажалари ва А.Б.Полетаев (1988; 1995; 2007) усулида МИЦ «Иммункулус» (Россия)да ишлаб чиқарилган шу номдаги тест-тўплам ёрдамида амалга оширилди.

Олинган натижаларга Pentium-4 персонал компютерида Microsoft Office Excel 2010 дастурий пакети ёрдамида статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг **“Терапиянинг ҳар хил турларига кўра беморлар неврологик статусининг динамикаси”** деб номланган учинчи бобида ОИВ инфекцияси билан оғриган беморларда неврологик статус динамикасини қиёсий баҳолаш натижалари келтириб ўтилган. Ўрганилган гуруҳларда беморлар ёши солиштирма бўлди: ўртача ёш 34,3 йилни (20 дан 50 ёшгача) ташкил қилди. Инфекцияланишнинг ўртача муддати гуруҳдан гуруҳга ўтган сайин ошиб борди ($p = 0,0004$) (2-жадвал).

2-жадвал

Беморларнинг клиник тавсифи

Кўрсаткич	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ
Умумий сони	37	59	98
Шулардан:			
эркаклар	15 (40,5%)	28 (47,5%)	53 (54,1%)
аёллар	22 (59,5%)	31 (52,5%)	45 (45,9%)
Ўртача ёш, йил	32,1±2,5	33,0±1,8	38,4±2,7
Касаллик давомийлиги, ой	28,3±6,4	38,7±7,3	114,7±7,0


1-гурухдаги беморлар сони 37 нафар бўлиб, уларнинг қонида CD4-лимфоцитлар миқдори $531,3 \pm 12,1$ (456,4–606,2) кл/мкл ни ташкил этди. Қонда вирус юкламаси (ВЮ) $4,14 \pm 0,6$ (3,7–4,6) lg коп/мл ни ташкил қилди.

2-гурухдаги беморлар сони 59 нафар бўлиб, уларнинг қонида CD4-лимфоцитлар миқдори $280,8 \pm 7,6$ (210,3–351,4) кл/мкл ни, қонда вирусли юклама (ВЮ) $4,18 \pm 0,6$ (3,6–4,8) lg коп/мл ни ташкил қилди.

3-гурухдаги беморлар сони 98 нафар бўлиб, қондаги CD4-лимфоцитлар миқдори ўртача $144,3 \pm 9,3$ (84,1–204,5) кл/мкл бўлди. $4,71 \pm 0,4$ (4,0–5,5)) lg коп/мл ни ташкил қилди

Бу бошқа гуруҳларга солиштирганда ишонарли паст ($p < 0,05$). Қонда ОИВ ВЮ $5,03 \pm 0,6$ (4,07–6,0) коп/мл ни ташкил қилди.

Касалликнинг бошланғич босқичида беморлар паришонхотирликка, унутувчанликка, ғамгин кайфиятга, апатияга, уйқучанликка шикоят қилишади. Баъзан шифокорлар ушбу симптомларни беморларнинг ОИВ инфекцияси билан зарарланишига бўлган аффектив реакция сифатида қабул қилиниб уларга эътибор берилмайди, аммо рухий бузилишлар кучайиб боради, аста-секинлик билан энцефалопатиядан –деменциягача ривожланади. Неврологик статус баҳоланганда 1- ва 2-гурух беморларининг кўпчилигини эслаб қолиш, диққатни жамлашда қийинчиликлар безовта қилмаган бўлсада, лекин уларнинг баъзиларида бош оғриқлари, бош айланишлар қайд қилинди, бир қисмида енгил координатор бузилишлар кузатилди. 3-гурухда беморларда ўчоқли неврологик симптоматика, ҳаракат бузилишлари, гипертензион синдром, хотиранинг ифодаланган бузилишлари қайд этилди (1-расм).




1-расм. Текширилган беморларнинг неврологик тавсифи

ОИВ ривожланишининг клиник олди босқичидаги ва махсус терапияга муҳтож бўлмаган 1-гурух беморлари орасида (CD4-лимфоцитлар миқдори 350 кл/мкл дан кўп) 37,8% (14/37) ҳолатда нейрорпсихологик кўрсаткичлар

қийматларининг нормага мос келадиган ҳолатлари кузатилди; 51,4% (19/37) ҳолатда хотиранинг «енгил пасайиши», 10,8% (4/37) ҳолатда эса хотиранинг ўртача бузилиши аниқланди.

Шундай қилиб, иммунологик ва вирусологик жиҳатдан ОИВ инфекцияли лекин шикоятсиз беморларнинг ярмида НПТнинг 1 стандарт оғишга пасайиши қайд қилинди. Мнестик жараёнларнинг қўпол бузилишлари (ифодаланган пасайиш) 1-гуруҳ беморлари орасида ҳеч бир ҳолатда қайд қилинмади.

Касаллик кучайиб бориши билан хотиранинг аҳамиятли бузилишлари (ўртача ва яққол пасайиши) мавжуд беморлар фоизи ишонарли ошди. 2- ва 3-гуруҳ беморларида хотиранинг ўртача ва яққол пасайиши қайд қилинди. 2-гуруҳда хотиранинг ўртача ва ифодаланган бузилиши, мос равишда, 38,9% (37/95) ва 8,4% (8/95) беморларда кузатилди. Меъёрга мос келадиган хотира кўрсаткичи текширилганларнинг 22,1%(21/95)да аниқланди. 3-гуруҳ беморлари орасида соматик ҳолат ёмонлашганда хотиранинг ўртача ва ифодаланган бузилишлари тезлиги, мос равишда, 29,5% (13/44) ва 20,5% (9/44) ни ташкил қилди. Хотиранинг умумий кўрсаткичларига биноан, меъёрга мос келадиган қийматлар 3-гуруҳ беморлари орасида 25% (11/44) ҳолатда учради. **2-РАСМ**



2-расм. ОИВ инфекцияси ривожланишининг турли босқичларида беморлар хотираси ҳолати (IQ интеллект коэффицентига эквивалент бўлган хотиранинг умумий кўрсаткичи)

Векслер услуби субтестлари негизда аниқланган НПТ бўйича ўртача қиймат ушбу гуруҳда меъёрдан паст бўлди ва $105 \pm 3,5$ (100–110) ни ташкил қилди, бу «енгил пасайишдан» «меъёр»гача бўлган диапазонга мос келади. Иммунитет пасайиши ва қон зардобида вирус миқдори ошиши сабабли махсус давога муҳтож бўлган 2-гуруҳ беморларида ўртача НПТ «меъёр»га солиштирганда 1 стандарт оғишдан паст бўлди ва $96 \pm 5,6$ (91–101)ни ташкил қилди, бу хотиранинг «енгил пасайиши»га мос келади (3-жадвал).

3-жадвал

Векслер шкаласи эквивалент хотира кўрсаткичи бўйича ОИВ инфекцияси ривожланишининг турли босқичларидаги беморларда хотира кўрсаткичи

Гуруҳ	Ўртача НПТ (95% ИИ) меъёр: 110–120 ва ундан кўп	Хотира бузилиши ифодаланганлик даражаси
1-гуруҳ (n = 37)	105±3,5 (100–110)*	«енгил пасайиш»дан «меъёр»гача
2-гуруҳ (n = 59)	96±5,6 (91–101)	«енгил пасайиш»
3-гуруҳ (n = 98)	93±6,2 (84–101)	«ўртача пасайиш»дан «енгил пасайиш»гача

Изоҳ: * – 1–3-гуруҳлар орасидаги фарк ($p < 0,05$).

3-гуруҳ беморлари соматик ахволи «оғир» бўлди, уларнинг барчаси стационарда текширилди ва даволанди. Бу гуруҳда ўртача НПТнинг энг паст қийматлари қайд қилинди: у «меъёр»дан 2 та стандарт оғиш билан фарқ қилди ва «ўртача пасайиш»дан «енгил пасайиш»гача ўзгариб турди ва 93±4,8 (84–101)ни ташкил қилди. Шундай қилиб, 2- ва 3-гуруҳларда 1-гуруҳ билан солиштирганда НПТнинг аҳамиятли даражада ишонарли пасайиши қайд қилинди ($p < 0,05$). Чизиқли регрессияли таҳлилга кўра, 1-гуруҳдан 3-гуруҳга қараб НПТ коэффицентининг 12 баллга камайиши қайд қилинди ($p = 0,0004$).

Кейин 1-2-3-гуруҳлардаги беморларда Векслер хотира шкаласи субтестлари бўйича ўртача баллар таҳлил қилинди (4-жадвал).

4-жадвал

Векслер шкаласи субтестлари бўйича ОИВ билан инфекцияланган беморларда хотиранинг ҳар хил турлари ҳолати

Хотира тури / субтест	Субтестлар бўйича ўртача балл (стандарт оғиш)			Субтестлар бўйича бўлиши мумкин бўлган максимал балл
	1-гуруҳ (n = 37)	2-гуруҳ (n = 59)	3-гуруҳ (n = 98)	
Оператив / IV субтест	6±0,3 (5–7)	6±0,2 (5–7)	5±0,1 (4–6)	9
Қисқа муддатли эшитиш / V «рақамларни қайтариш» субтести	11±0,1 (10–12)	12±0,1 (11–12)	11±0,1 (10–11)	15
Мантиқий / IV «хикояни қайта айтиш» субтести	11±0,1 (10–13)*	9±0,2 (8–11)*	8±0,2 (6–10)*	23
Кўрув / VI «визуал репродукция» субтести	10±0,2 (9–11)*	9±0,2 (8–10)	8±0,1 (6–9)*	14
Ассоциатив / VII «жуфт ассоциациялар» субтести	14±0,1 (13–15)*	12±0,1 (11–13)*	11±0,2 (9–12)*	21


Изоҳ: * 1чи гуруҳ учун маълумотларнинг ишончилиги– $p < 0,05$.

Жадвалдан кўриниб турганидек, Векслер шкаласи субтестлари, асосан, IV субтест (хикояни қайта айтиш), VI субтест (визуал репродукция) ва VII субтест (жуфт ассоциациялар) бўйича ўртача баллар барча гуруҳ беморларида пасайган. Нопараметрик дисперсион таҳлилга биноан, 1-гуруҳдан 2- ва 3-

гуруҳларга ўтишда IV субтест (ҳикояларни қайта айтиш) ва VII субтест (жуфт ассоциациялар) ҳамда VI субтест (визуал репродукция) да балларнинг ишонарли жиддий камайиши қайд қилинди ($p < 0,05$). Кейинчалик, барча текширилган беморларда ажратилган гуруҳларга боғлиқ бўлмаган ҳолда Векслер шкаласи бўйича хотира ҳолати таҳлил қилинди. НПТнинг «меъёр» қиймати 25% (26 нафар), енгил пасайиши 38% (39 нафар), ўртача бузилиши 30% (31 нафар) ва ифодаланган пасайиши 7% (7 нафар) беморда қайд қилинди.

Оператив хотира энг кўп сақланган бўлди – 58% беморда меъерий кўрсаткичлар учради. Кўрув ва ассоциатив хотиралар энг кўп зарарланган бўлиб чиқди – 20% беморда кўрув хотираси пасайиши кучли бўлди, 12,5% беморда ассоциатив хотиранинг кучли бузилиши ва 48% беморда ўртача бузилиши кузатилди.

Узоқ муддатли хотира ҳолатини қўшимча таҳлил қилиш учун «10 та сўзни эслаб қолиш» тестидан фойдаланилди. 1–2-гуруҳ беморлари 15–20 дақиқалик танаффусдан сўнг, мос равишда, ўртача $7,4 \pm 0,08$ (6,5–8,4) ва $7,5 \pm 0,07$ (6,7–8,2) сўзни, 3-гуруҳ беморлари эса $5,7 \pm 0,1$ (4,4–7,0) сўзни такрорлай олишди. Дисперсион нопараметрик таҳлил бўйича 3- ва 1- ҳамда 2-гуруҳлар орасидаги ишонарли фарқ $p=0,04$ ни ташкил қилди (3-расм).



3-расм. ОИВ инфекциясининг турли босқичларида узоқ муддатли хотира ҳолати («10 та сўзни эслаб қолиш» тести бўйича «ретенция»)

ОИВ билан инфекцияланган беморларда касаллик кучайиб бориши билан 1-гуруҳдан 3-гуруҳга ўтишда ихтиёрий диққатнинг жиддий бузилиши аниқланди. ЮФАРТга муҳтож бўлмаган 1-гуруҳдаги 51,4% (19/37) беморда ихтиёрий диққатнинг сусайиш белгилари аниқланди (4-расм).




4-расм. Касаллик кучайиб бориши билан ихтиёрий диққат бузилишининг ошиб бориши (Шулте шкаласи)

Бу белгилар тестни бажариш вақтида диққат маҳсулдорлиги ўзгаришлари билан тавсифланди, лекин бу ўзгаришлар меъёр доирасидан чиқмади. Иш самарадорлиги бузилиши ва киришувчанлик пасайиши, мос равишда, 5,4% (2/37) ва 21,6% (8/37) беморда кузатилди. 1-гурухдаги 48,6% (18/37) текширилганларда сустлашиш белгилари аниқланмади. Сустлашиш, паст киришувчанлик ва паст иш самарадорлиги кўринишидаги ихтиёрий диққат бузилишларига эга беморлар фоизи 1-гурухдан 2- ва 3-гурухларга ўтганда ишонарли ортиб борди ($p < 0,05$).

2-гурух беморларида самарадорлик, киришувчанлик, рухий турғунлик каби ихтиёрий диққат кўрсаткичларининг жиддий ёмонлашиши қайд қилинди. Диққатнинг ўзгарувчанлиги ва сустлашиши билан ифодаланувчи рухий турғунлик бузилишлари ишонарли тарзда кўп учради. Самарадорлик унумдорлиги ўзгаришлари меъёр доирасидан ташқари чиқиш ҳолатлари кузатилди.

3-гурух беморларида ихтиёрий диққатнинг ёмонлашиши қайд этилди. Биринчи ўринга рухий турғунлик ва киришувчанлик бузилишлари чиқди, бу иш самарадорлигига жиддий таъсир қилди. Диққат турғунлиги бузилишлари енгил лабилликдан (Шулте жадвалининг ҳар бирига кетган вақт жиддий тарзда фарқ қилади) кучли сустлашишгача (Шулте жадвалининг битта-иккитасидан кейин ҳисобни бажара олмаслик) ўзгариб турди.

Барча гуруҳлардаги ОИВ инфекцияси билан оғриган айрим беморларда фикрлаш динамикаси бузилиши кузатилди, у фикрлаш жараёнининг сустлашиши ва қийин кечиши билан ифодаланди (5-расм).



5-расм. Касаллик кучайганида ОИВ билан инфекцияланган беморларда фикрлаш жараёни динамикасининг бузилиши

Қонида CD4-лимфоцитлар миқдори юқори даражада бўлсада, специфик вирусга қарши терапияга муҳтож бўлмаган 1-гурӯҳда ҳам фикрлаш жараёни динамикасининг турли бузилишлари 67,6% (25/37) беморда қайд қилинди. Динамика бузилишлари фикрлаш жараёнининг сустлашиши ва қийин кечиши билан тавсифланди. Сустлашиш 48,6% (18/37) беморда масалани бажариш даражасининг нотурғун кўринишида, фикрлаш изчиллиги йўқлиги билан намоён бўлди. “Фикрлаш изчиллиги йўқ” типигадаги фикрлаш жараёнининг сустлашиш ҳолатлари 1–2-гурӯҳ беморларида фарқ қилмади ва 3-гурӯҳга ўтишда ортиб борди ($p=0,01$).

Текширилган беморларнинг кўпчилигида фикрлаш жараёни сустлашиши анча юқори характерга эга бўлди: 1-гурӯҳда 21,6% (8/37), 2-гурӯҳда 18,9% (11/59), 3-гурӯҳда 16,3% (16/98) беморда вазифаларни бажариш суръати секинлашиш, фикрлаш операцияларининг қийин кечиши билан намоён бўлди. Бундай бузилишлар бутун нейропсихологик текширувларни жуда ҳам қийинлаштирди.

Касаллик кучайганида беморларда кўришнинг предметли гнозис бузилиши аниқланди, у «шовқинли» шароитларда предметларни таниш мураккаблиги билан ифодаланди.

Беморларга 12 та предметнинг нотўлиқ контурлари тақдим қилинди, уларнинг бир қисми бўшлиқда тўнтарилган ҳолда бўлди. Кўриш гнозис самардорлигининг пасайиши ёки нотўлиқ контурларни таниш унумдорлигининг ёмонлашиши (12 та суратдан фақат 6 тасини ёки камроғини билиш), ёки вазифани бажаришга кетган вақт ошиши билан ифодаланди. 1–2-гурӯҳдаги текширилганларга солиштирганда 3-гурӯҳ беморларига ушбу вазифани бажариш учун анчагина кўп вақт талаб қилинди. Нотўлиқ контурли расмларни таниш самардорлиги ҳам 3-гурӯҳ беморларида анча ёмон бўлиб чиқди.

«Шовқинли» шароитларда тақдим этилган образларни таниш бузилишлари 1–2-гуруҳ беморларида ҳам аниқланди. 1-гуруҳ беморлари орасида кўлларнинг реципрок бузилиши 18,9% беморда аниқланди.

Бизнинг тадқиқотимизда ЮФАРТ бошланиши босқичида (2-гуруҳ – 95 нафар бемор) текширилганларнинг 35% да кўлларнинг реципрок координацияси бузилган бўлиб чиқди. Ушбу синамани бажаришда учинчи гуруҳда аниқланган турли даражадаги бузилишлар 67% беморда кузатилди. Беморларнинг 53% да "мушт-кафт-қирра" динамик праксис тести пайтида мия ярим шарларининг пешона премотор ва фронтал қисмларининг патологияси аниқланган.

Қайд этилган сипмтомлар аффектив ва когнитив бошқарилиш бузилишларини чақирувчи фронтостриар айланалар ва уларнинг лимбик боғланишлари дисфункцияларига олиб келувчи пўстлоқ ости структураларнинг шикастланиш оқибатлари бўлиши мумкин.

Диссертациянинг «**Нейровизуализацион услуб маълумотлари бўйича бош миянинг шикастланиши таснифлари**» номли тўртинчи бобидан турли даражадаги ОИВ инфекциясида марказий асаб тизими шикастланишларининг ўзига хос нейровизуализация хусусиятлари баҳоланган.

Дастлабки симптомокомплекснинг МРТ кўринишлари қоринчалар кенгайиши билан келувчи диффуз атрофия бўлиб, у кучайиб борувчи деменция ва ўлимга олиб келади. ОИВ инфекциясининг симптомсиз шакли мавжуд 31% беморда (1–2-гуруҳларнинг 52 нафаридан 4 ва 12 нафаридан) ва ОИТСнинг клиник кўринишлари мавжуд 71,4% беморда (3-гуруҳнинг 56 нафаридан 40 нафаридан) бош миянинг шикастланиши (бошқа нейроинфекция белгиларисиз) диффуз атрофия билан намоён бўлди. 3-гуруҳнинг 8 нафар (25,0%) беморидан бош мия моддаси зичлигининг ўчоқли ўзгаришлари қайд қилинди. Мияда қон айланиши бузилиши белгилари 3-гуруҳдаги 4 нафар (12,5%) беморда аниқланди. Томирли генезга эга гиперфаол сигнал ўчоқлари мавжудлиги ОИВ-васкулит билан боғлиқ бўлган миянинг базал структуралари сатҳида томирлар йўналиши бўйлаб периваскуляр бўшлиқларнинг ўртача кенгайиши билан изоҳланди.

КТ-кесимлари маълумотларига кўра, ОИВ-энцефалопатия носпецифик кўринишлар билан намоён бўлди: субарахноидал бўшлиқлар ва қоринчаларнинг кенгайиши мия моддасидаги атрофик жараёнларни акс эттириб, бош мия пўстлоғининг ингичкалаши билан тасдиқланди. Пешона бўлакларидан ўзгаришлар касаллик кечилишининг эрта босқичларида анча юқори даражада намоён бўлди. 3-гуруҳдаги 12 нафар беморда пасайган зичликдаги фокуслар (+20- +25 бирл Н) пайдо бўлиши аниқланди. Улар, асосан, пешона бўлакларининг проекцияларида жойлашган бўлиб, энг оғир ҳолатларда ўчоқлар (1,5 см дан 3 см гача) бош миянинг бошқа бўлакларидан ҳам визуализация қилинди. Ўчоқли ўзгаришлар пайдо бўлиши масс-эффект билан бирга кечмади, уларнинг структураси бир хил бўлди. Оғир клиник манзарани ҳисобга олган ҳолда бу ўзгаришлар ОИВ-энцефалопатия кўринишлари сифатида кузатилди.

Ўртача атрофик ўзгаришларда (КТ ва МРТ маълумотларига кўра) беморлардаги CD4+лимфоцитларнинг ўртача миқдори $343 \pm 41,5$ /мкл, диффуз ўзгаришларда $152,2 \pm 16,6$ /мкл, ўчоқли шикастланишларда эса анча паст ($112,8 \pm 28,7$ /мкл, $p < 0,05$) бўлди. Патологик ўзгаришлар бўлмаган беморларда инфекцияланишнинг ўртача давомийлиги 5,8 йилни ташкил қилди, CD4+лимфоцитларнинг ўртача миқдори 500/мкл дан баланд бўлди.

Электроэнцефалографик текширувларимизда локал ўзгаришлар аниқланган 90 нафар ОИВ инфекцияли беморларда патологик жараёнга чакка соҳаларининг қўшилиши 94% ҳолларда қайд этилди, пешона-марказий соҳаларнинг қўшилиши 66%, тепа-энса соҳаларнинг қўшилганлиги эса 50% ҳолларда кузатилди. ЭЭГ услубини қўллаш билан 19,1% беморда миянинг функционал фаоллиги пасайганлиги, ифодаланган диффуз ва маҳаллий ўзгаришлар, ўрта диэнцефал ва мезэнцефал структураларнинг ирритацияси, пароксизмал ва эпилептик шаклдаги фаолликни аниқлаш имкони туғилди.

Миянинг уч (пешона, тепа, энса) соҳаси бўйича Электроэнцефалографик текширувимизда спектрал қуввати баҳоланганда ЭЭГ-фаолликнинг 4 тури ажратилди (картограммалар).

Барча картограммалар Е.А.Жирмунский таснифига (1984) солиштирма бўлди). (5-жадвал).

5-жадвал

ОИВ билан инфекцияланган беморларда картограммалар турига боғлиқ ҳолда мия соҳалари бўйича (M±m) ЭЭГ маромларининг спектрал қуввати индекси (%) (бир омилли дисперсли таҳлил)

ЭЭГ мароми	1-тур (n=77)	2-тур (n=47)	3-тур (n=30)	4-тур (n=22)
Пешона соҳаси				
Δ	25,8±2,3	36,9±2,9	87,2±6,2	158,2±5,6
Θ	24,6±2,8	11,2±1,1	101,5±6,4	97,3±6,8
<i>a</i>	66,9±3,8	8,3±1,1	106,1±4,8	62,8±4,8
β	16,9±1,9	5,1±0,6	19,7±1,8	21,9±2,9
Тепа соҳаси				
Δ	24,8±2,9	22,4±1,9	78,2±6,5	134,5±11,6
Θ	23,8±2,6	6,1±0,9	49,5±5,1	89,4±6,2
<i>a</i>	102,5±6,8	11,7±1,6	227,9±12,8	685,2±4,5
β	18,9±2,7	6,4±1,2	19,5±1,2	24,7±3,1
Энса соҳаси				
Δ	18,3±4,8	18,8±2,9	62,5±4,1	169,2±12,4
Θ	18,8±1,2	4,2±1,0	39,2±3,1	58,7±4,9
<i>a</i>	175,1±8,5	9,1±1,2	126,5±5,2	72,7±5,3
β	15,1±1,4	5,7±1,0	9,1±1,5	12,5±3,2

1-турдаги картограммаларда (43,7%, 77 нафар бемор) миянинг энса соҳаларида α -маром қуввати ва, у билан солиштирганда, секин Δ - ва Θ -маромлар қувватининг анча кам устун келиши маромларнинг нормал тақсимланиши билан тавсифланди.

2-турдаги картограммаларда (26,7%, 47 нафар бемор) барча маромлар (Δ , Θ , α , β) мия соҳалари бўйича маромлар фазовий тақсимланишининг бироз бузилишига эга паст амплитудали фаоллиги билан фарқ қилди.

3-турдаги картограммаларда (18,2%, 32 нафар бемор) таҳлил қилинаётган деярли барча маромлар қуввати тахминан бир хил бўлди, анча пасайган β -маром бундан мустасно. Амплитудаси бўйича α -маром секин тўлқинли фаоллик бўйича бироз юқори бўлди.

4-турдаги картограммаларда (12,5%, 22 нафар бемор) α - ва β -маромларга нисбатан барча скалп бўйича секин маромлар қуввати аниқ ошганлиги қайд қилинди.

Соғлом кишилар текширилганлардагига ўхшаш, зоналардаги фарқлар ва маромлар қуввати сақланган маромларнинг фазовий тақсимланиши билан тавсифланадиган 1-турдаги картограммалар ЭЭГнинг нормал варианты билан солиштирма бўлиб, энг кўп 1-гуруҳда қайд қилинди ва бу 2–3-гуруҳларга боғлиқ ҳолда ишонарли характерга эга бўлди ($p < 0,05$). Бунда таъкидлаш керакки, оппортунистик касалликлари бўлган ва CD4 350 кл/мкл дан паст беморлар орасида ЭЭГ фаоллигининг 1-тури, касалликнинг эрта клиник олди босқичларида бўлган ва ЮФАРТ белгиланмаган беморлар билан солиштирганда, деярли 4 марта кам учради.

ЭЭГнинг 2–4-турлари миянинг турли жузъий даражадан то ифодаланган даражадаги электр фаоллигини акс эттирди.

3-гуруҳдаги беморларда ЭЭГнинг 3- ва 4-турлари 2 марта кўп қайд қилинди.

CD4 ва ЭЭГ-фаоллик тури ўртасида корреляцион боғлиқлик текширилганда ушбу кўрсаткичларнинг жуда ҳам юқори такрорий ўзаро боғлиқлиги аниқланди ($r = -0,51$). Картограммаларнинг 4-турида Δ -тўлқин спектри қуввати қанчалик баланд бўлса, CD4 кўрсаткичларининг шунчалик пастлиги кузатилди.

Ҳар учала гуруҳда картограммаларнинг тўрт турга ажратилиши пўстлоқ маромининг бузилиш даражаси ва хусусиятини акс эттириб, ОИВ билан инфекцияланган беморларда мия электрик фаоллиги бузилишларининг шаклланиш босқичларини кузатиш имконини беради.

Биз 168 нафар ОИВ инфекцияли беморларда доплерографик текшириш олиб бордик. Допплерографик маълумотларига кўра, беморлардаги церебрал гемодинамика бузилишлари назорат гуруҳи билан солиштирганда ИУАда 24,6 ва 33,8%, МЎАда 25,4 ва 34,5%, УАда 24,3 ва 44,7%, ААда 21,7 ва 32,6% га (мос равишда, 1- ва 4-гуруҳларда) пасайиши билан характерланди. Шунингдек, барча текширилган томирларда томир уриш индекси (P_i) ва циркулятор қаршилик (R_i) ошиши ҳақидаги маълумотларга кўра, томир тону-

